



**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
Тошкент вилояти божхона  
бошқармаси бошлиғи  
ўринбосари, божхона хизмати  
подполковниги

  
М.М.Баракаев  
“ 05 ” 11 2022й.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Тошкент вилояти бўйича бошқармасининг Нурафшон шаҳридаги янги маъмурий биносини қуришобъектида 2019-2021 йилларда олиб борилган қурилиш-монтаж ишларини назорат ўлчовидан ўтказиш юзасидан

### ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ҲУЖЖАТЛАР

**Буюртмачи: Тошкент вилояти божхона бошқармаси**

**Комиссия аъзолари:**

Моддий-техника таъминоти  
бўлими бошлиғи



Ж.Курбонов

Молия-иқтисодиёт бўлими  
бошлиғи



Б.Жахонгиров

АКТ ва киберхавфсизликни  
таъминлаш бўлими бошлиғи



И.Мусабеков

Капитал қурилиш гуруҳи  
бош инспектори



Д.Сайдалиев

**Комиссияси котиби:**

Молия-иқтисодиёт бўлими  
бош инспектори



М.Миркамолов

Нурафшон шаҳри -2022 йил

## **МАЗМУНИ:**

1. Умумий позиция ва нарх қисми.
2. Энг яхши таклифларни танлаш ташкилотчилари.
3. Асосий шартлар.
4. Танлов иштирокчилари қўйиладиган талаблар.
5. Танлов ўтказиш шарти.
6. Танлов тили.
7. Энг яхши таклифларни танлаш ва уни амалга ошириш тартиби.
8. Энг яхши таклифларни кўриб чиқиш ва уларни баҳолаш мезонлари.
9. Шартнома тузиш шартлари.

## ИЛТИМОС, ЭЪТИБОР БЕРИНГ!

Танловда иштирок этиш ташкилот (компания)нинг ихтиёрий қароридир.

Иштирок этиш истагини билдирган ташкилотлар ёки компаниялар диққат билан, барча ҳужжатларни ўрганиши лозим.

Танлов ҳужжатларида кўрсатилган керакли маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этмаслик иштирокчини дисквалификация қилишга олиб келади.

Улар бевосита қабул қилинмайди, Буюртмачи ҳужжатлар ва унинг кўшимчалари тўлиқлиги учун жавобгар эмас.

Танловда иштирок этишга қарор қилган ташкилотлар (компаниялар) ғолиб чиқиши кафолатланмаган.

Танловда иштирок этиш ҳуқуқларини бошқа юридик шахсларга ўтказиш тақиқланади.

Танлов қуйидаги ҳолларда комиссия томонидан ҳақиқий эмас деб эълон қилиниши мумкин:

- ҳужжатларни қабул қилиш муддати тугагунига қадар бирорта ҳам таклиф тушмаса;

- биргина иштирокчи иштирок этса.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг 56-моддасига кўра, ғолибни аниқлаш мезонлари товар (иш, хизмат) давлат харидининг нафақат пул ифодасига, балки миқдорий ва сифат баҳосига ҳам эга бўлади.

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН КЎРСАТМАЛАР

<b>1</b>	<b>Умумий позиция ва нарх қисми</b>
1.1.	Мазкур танлов ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги ЎРҚ-684-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 05 декабрдаги “Давлат харидлари тизимини янада такомиллаштириш ва давлат харидлари жараёнига тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4544-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20.05.2022 йилдаги 276-сон ва 20.05.2021 йилдаги 321-сон қарорлари талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.
1.2.	<b>Энг яхши таклифларни танлаш бўйича эълон матни:</b> Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Тошкент вилояти бўйича бошқармасининг Нурафшон шаҳридаги янги маъмурий биносини қуриш объектида 2019-2021 йилларда олиб борилган қурилиш-монтаж ишларини назорат ўлчовидан ўтказиш.
1.3.	Танлов максимал қиймати 224 713 463 (икки юз йигирма тўрт миллион етти юз ўн уч мин тўрт юз олмиш уч) сўм ҚҚС билан ташкил қилади. Танлов таклифида кўрсатилган нархлар охириги қийматдан юқори бўлмаслиги керак.

1.4.	Хизмат кўрсатиш бўйича техник топшириқлар танлов ҳужжатларининг техник топшириқ қисмида электрон тарзда келтирилган.
1.5.	Комиссияси йиғилиши шакли – электрон тарзда.
<b>2.</b>	<b>Энг яхши таклифларни танлаш ташкилотчилари</b>
2.1.	Тошкент вилояти божхона бошқармаси <i>(кейинги ўринларда “Буюртмачи”)</i> ҳисобланади. Буюртмачи манзили: Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 63-уй.
2.2.	Ташкилотчи Телефони: (0370) 202-86-00, (0370) 202-86-10 email: <a href="mailto:toshkent_viloyati@customs.uz">toshkent_viloyati@customs.uz</a>
2.3.	Тошкент вилояти божхона бошқармасининг Энг яхши таклифларни танлаш бўйича Харид комиссияси танлов буюртмачиси ҳисобланади. Буюртмачи манзили: Индекс 111500, Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 63-уй. email: <a href="mailto:toshkent_viloyati@customs.uz">toshkent_viloyati@customs.uz</a>
2.4.	Танлов Буюртмачи ташкил қилган камида беш кишидан иборат таркибдаги Энг яхши таклифларни танлаш бўйича Харид комиссияси томонидан ўтказилади.
<b>3.</b>	<b>Асосий шартлар</b>
3.1.	Шартнома қиймати шартнома муддати давомида ўзгартирилмайдиган белгиланган миқдор билан чекланиши керак.
3.2.	Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг ушбу Техник вазифаларни бажариш бўйича Рухсатнома (лицензия)си ва бошқа баённомаларнинг мавжудлиги.
3.3.	Лойиҳаларда ШНҚ бўйича қурилиш соҳасида тажрибага эга ходимларнинг мавжудлиги.
3.4.	Ҳақиқатда бажарилган ишларни назорат қилиш учун қурилиш соҳасида мустақил мутахассисларни жалб қилиш.
3.5.	Қурилиш-монтаж ва лойиҳалаш ишларида тажрибага эга эканлиги.
3.6.	Назорат органлари фаолиятининг қонунийлиги, ҳолислиги ва ошкоралигини таъминлаш.
3.7.	Назорат ўлчовини амалга оширувчи ташкилот унинг натижалари учун жавобгар ҳисобланади, шартнома муддати тугагандан кейин ҳам <b><u>Буюртмачининг манфаатларини учинчи шахс олдида химоя қилиш мажбуриятини олади (кафолат беради).</u></b>
<b>4.</b>	<b>Танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар</b>
4.1.	Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар исталган юридик шахслар, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари иштирок этиши мумкин <i>(5.2 бандда кўрсатилган шахслар бундан мустасно).</i>
4.2.	Танловда иштирок этувчилар куйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим: - лойиҳа жамоаси таркиби; - ишчи гуруҳ рўйхатини шакллантириш; - лойиҳа иш-режаси;

	<ul style="list-style-type: none"> <li>- керакли маълумотлар рўйхати бўйича сўровнома;</li> <li>- кўрсатилган таклифлар: лойиҳани амалга оширишга ёндашув, ишлаб чиқилган методология, қўшимча харажатлар қиймати, харажатлар ва режалаштирилган иш соатлари сонини ажратган ҳолда ишларнинг умумий қиймати;</li> <li>- лойиҳанинг муддатлари, босқичлари ва асосий ҳисобот ҳужжатлари кўрсатилган лойиҳани амалга ошириш жадвали.</li> </ul> <p>Ижрочини объектга ташрифи буюртмачи билан олдиндан келишиб, иш вақти давомида амалга оширилади.</p> <p>Ишни бошлашдан олдин пудратчи қуйидаги ишларни бажариши керак: Шартнома тузилган кундан бошлаб 3 (уч) кундан кечиктирмай, буюртмачининг ҳудудига кира олиш ва буюртмачига зарур кўрсатмалар бериш, ходимлар рўйхати ва ҳудудга кириш учун транспорт воситалари рўйхатини бериш, (шартнома рақами ва санага мос ёзувлар билан), ҳар бир автомобиль маркаси, модели ва давлат рўйхатга олиш белгисини кўрсатиб.</p>
4.3.	<p>Назорат ўлчови натижаси тегишли далолатнома (<i>қоғоз ва электрон шаклда</i>) билан 3 нусхада расмийлаштирилади ва назорат ўлчовини ўтказиш бўйича манфаатдор ташкилот, пудратчи ташкилотда ва ваколатли ташкилотда бир нусхадан сақланади. Электрон шаклда (дискда, флешка - хотирада, PDF ва Word форматларида) - 1 нусхада.</p>
4.4.	<p>Назорат ўлчовининг мақсади:</p> <p>Лойиҳа-смета ҳужжатлари ва ижро ҳужжатларидаги назорат ўлчовлари жараёнида аниқланган номувофиқликларни бартараф этиш.</p> <p>Назорат ўлчаш натижалари бўйича хулоса ўз ичига олиши керак, шу жумладан:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Бажарилган қурилиш-монтаж ишлари учун ўлчов далолатномаси;</li> <li>- Қуриб битказилган қурилиш-монтаж ишларини суратга олиш учун материаллар;</li> <li>- Аслида бажарилган қурилиш-монтаж ишлари ҳажмини ҳисоблаш;</li> <li>- Бажарилган ҳақиқий ишнинг лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини баҳолаш;</li> <li>- Объектда (иш тури бўйича) бажарилган ҳақиқий ишлар таннархини шартнома, лойиҳа ва ижро ҳужжатларига мувофиқ, смета стандартлари асосида баҳолаш;</li> </ul> <p>Далолатномада қуйидагилар кўрсатиб ўтилиши шарт:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- қурилиш объекти тўғрисидаги маълумотлар жумладан, объект номи, манзили, қурилишга асос, буюртмачи хизмати, пудратчи ва лойиҳачи ташкилотлар реквизитлари, лойиҳа ҳужжатлари бўйича ижобий экспертиза хулосаси, пудратчи ташкилотни белгилаш бўйича асос, пудрат шартномаси саналари ва рақамлари ва шу кабилар;</li> <li>- қурилиш объектида пудрат шартномасига асосан белгиланган иш ҳажмлари ва назорат ўлчови натижасида аниқланган ҳақиқатда бажарилган иш ҳажмлари миқдори ҳамда ҳар бир иш тури бўйича фарқи;</li> <li>- ҳар бир аниқланган камчилик алоҳида акс эттирилиши керак, амалдаги қонунчилик ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари асосида;</li> </ul>

	- лойиҳа ҳужжатларига киритилган ўзгартиришлар ва уларни расмийлаштиришда белгиланган талабларга риоя этилиши.
4.5.	Далолатномага буюртмачи талаби асосида ва объект хусусиятидан келиб чиқиб, бошқа маълумотларни ҳам киритиши мумкин.
4.6.	<p>Назорат ўлчовини ўтказиш бўйича мутахассис (кейинги ўринларда - назоратчи):</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- қурилиш объекти бўйича тайёрланган шаҳарсозликка оид ҳужжатлар ва ҳисоботлар тўлиқ ва тўғрилигини текшириш;</li> <li>- қурилиш объектида ҳақиқатда бажарилган физик иш ҳажмларни лойиҳа ҳужжатлари, бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатномалар ва ҳисоб-фактуралар асосида ўлчовдан ўтказиш;</li> <li>- назорат ўлчови натижасига кўра пудрат шартномаси асосида лойиҳа ҳужжатларида, далолатнома ва ҳисоботларда назарда тутилган иш турларининг ҳақиқатда бажарилганлигини иш турлари бўйича аниқлаш;</li> <li>- назорат ўлчови натижасига кўра қурилиш объектида ҳақиқатда бажарилган иш ҳажмларида лойиҳадан четга чиқиш ҳолатларини кўрсатиб бериш;</li> <li>- қурилиш объектларида қурилиш материалларининг ҳажмини, нархини, калькуляциясини, техник параметрларини, сифатини бош пудратчи томонидан тақдим этилган ҳужжатлар (битим, ҳисоб-фактура, юк хати, сертификати, лаборатория хулосалари ва бошқалар) асосида ўрганиб, буюртмачи ва пудратчи ташкилот ўртасида ўзаро расмий келишув, пудрат шартномаси, лойиҳа ҳужжатлари ва ҳисоботлар асосида қўлланилганлигини текшириш;</li> <li>- ҳақиқатда бажарилиб, ҳисоботларда акс эттирилган асбоб-ускуналар ва коммуникация тизимларининг синовдан ўтказилганлигини текшириш;</li> <li>- ҳисоботларда арифметик хатоларнинг мавжудлиги ва бошқа ҳисоб-китобларни текшириш;</li> <li>- назорат ўлчови натижаларининг махфийлигини таъминлаш.</li> </ul>
4.7.	Назоратчи назорат ўлчовини амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тўғри ўтказилганлигига ҳамда назорат ўлчови натижасига кўра аниқланган камчиликлар, ҳисоб-китоблар ва далолатномани қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тўғри расмийлаштирилганлигига жавобгар ҳисобланади.
4.8.	<p>Қурилиш объектида миқдорни аниқлаш ва ўлчаш мураккаб бўлган конструкциялар ҳақиқатда бажарилган ишларнинг ишчи чизмалари ва таснифлари билан мувофиқлигини текшириш. Бунда,</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- қурилишда бажарилган ишларнинг ҳажмлари ва таркибини асослайдиган мавжуд бирламчи ҳужжатлардан, шу жумладан, бажарилган ёпиқ ишларни қабул қилиб олиш далолатномалари ҳамда буюртмачи ва лойиҳачи ташкилот билан мувофиқлаштирилган ижро чизмаларидан фойдаланиш;</li> <li>- Бажарилган ёпиқ ишларнинг ҳажмларини текшириш белгиланган тартибда расмийлаштирилган ёпиқ ишларни қабул қилиб олиш далолатномалари ҳамда ижро чизмалари асосида амалга ошириш.</li> </ul>

	Шунингдек, объект қурилиши бўйича далолатномалар мавжуд бўлмаган тақдирда, зарур ҳолларда назоратчи бош пудратчи ҳисобидан қилинган ишларни очиб текширишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.
4.9.	Танлов иштирокчилари томонидан ушбу танлов ҳужжатларида келтириб ўтилган 1,2,3-шаклларни тўлдирилган ва сканерланган ҳолда PDF форматида электрон тақдим этилиши шарт.
<b>5.</b>	<b>Танлов ўтказиш шарти</b>
5.1.	Танловда иштирок этиш учун, танлов иштирокчиси қуйидагиларни амалга ошириши лозим: а) танлов шартлари билан танишиш учун махсус ахборот порталида жойлаштирилган танлов ҳужжатларининг электрон нусхасини олиш (кўчириш); б) танлов ҳужжатлари шартларига мувофиқ танлов ҳужжатларини электрон топшириш.
5.2.	Қуйидаги иштирокчиларнинг танловда қатнашишига йўл қўйилмайди: - қайта ташкил қилиниш, тугалланиш ёки банкротлик босқичини бошидан кечираётган; - Буюртмачи билан судда ёки ҳакамлик судида тортишаётган; - ноҳалол ижрочиларнинг ягона рўйхатига киритилган; - солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорлиги бор; - имтиёзли солиқ режимини берувчи ва/ёки молиявий амалиётларни ўтказишда маълумотларни ошкор қилиш ва беришни кўзда тутмайдиган давлатлар ёки ҳудудларда (оффшор зоналар) рўйхатдан ўтган ва банк ҳисоб рақамларига эга бўлган.
5.3.	Буюртмачи томонидан қуйидаги ҳолларда иштирокчини иштирок этишдан четлаштирилади: - Иштирокчи тўғридан-тўғри ёки воситали тарзда буюртмачининг ёки бошқа давлат органининг ҳозирги мансабдор шахсига ёки собиқ ходимига ҳамда Бош Пудрат ташкилоти билан давлат харидлари жараёнида бирон-бир ҳаракатни амалга ошириш, қарор қабул қилиш ёки бирон-бир танлов таомилини қўллашга таъсир кўрсатиш мақсадида ҳар қандай қимматбаҳо буюм ёки хизмат кўрсатишни таклиф қилган, берган ёки бунга рози бўлган тақдирда; - иштирокчи адолатсиз танлов устунлигига эга бўлса ёки қонунга зид бўлган манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлса.
<b>6.</b>	<b>Танлов тили</b>
6.1.	Иштирокчи ва буюртмачи томонидан амалга ошириладиган таклиф ва барча тегишли ёзишмалар ва ҳужжатлар ўзбек ёки рус тилларида бўлиши керак. Танлов таклифи матнида бир нечта тиллардан фойдаланилганда номувофиқликлар мавжуд бўлса, ўзбек тили устунлик қилади.
<b>7.</b>	<b>Энг яхши таклифларни танлаш ва уни амалга ошириш тартиби</b>
7.1.	Танлов таклифини тайёрлаш бўйича тавсиялар: - Иштирокчи танловнинг мақсад ва вазифалари, лойиҳанинг функционал ва ташкилий асослари, лойиҳани амалга оширишга ёндашувлар, лойиҳа ишларининг босқичлари ва натижалари, амалга ошириладиган ишлар

	жадвали, ишларни бажариш вақти ва нархи, шунга ўхшаш лойиҳаларни амалга ошириш тажрибаси, режалаштирилган шахсий таркибни тавсифлаши керак, бунда лойиҳани амалга оширувчи жамоа, менеджерлар ҳамда жамоа аъзолари инобатга олинади;
7.2.	Танлов иштирокчиларига таклифларни муҳрланган ва иштирокчи ваколатли шахс имзоси билан тасдиқланган ёки таклифнинг ҳар бир бети имзоланган ҳолда электрон тақдим этиш тавсия қилинади.
7.3.	Тақдим қилинаётган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва ишончлилиги учун танлов иштирокчиси жавобгардир.
<b>8.</b>	<b>Энг яхши таклифларни кўриб чиқиш ва уларни баҳолаш мезонлари</b>
8.1.	Танлов иштирокчилари таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати танлов таклифлари берилиши якунланган санадан бошлаб 5 иш кунида амалга оширилади.
8.2.	Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси рад қилинмаган таклифлар баҳолаб, танлов ҳужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида танлов ғолибини электрон шаклда аниқлайди.
8.3.	Танлов иштирокчиси тақдим қилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг сохталиги аниқланса, энг яхши таклифларни танлаш комиссияси бундай иштирокчини танловда иштирок этишдан четлаштиришга ҳақли.
8.4.	Таклиф Қонун, қарор ва танлов ҳужжатлари талабларига жавоб берса, тегишли тарзда расмийлаштирилган, деб ҳисобланади.
8.5.	Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси электрон таклифни берган танлов иштирокчиси Қонун, қарор ва танлов ҳужжатлари мезон талабларига жавоб бермаса, ёки танлов иштирокчисининг таклифи танлов ҳужжатлари талабларига мос бўлмаса, таклифни рад этади.
8.6.	Танлов ҳужжатлари ва таклифларида кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажариш бўйича энг яхши шартлар ва арзон нарх тақдим этган танлов иштирокчиси ғолиб деб топилади.
8.7.	Энг яхши таклифларни танлаш <a href="https://etender.uzex.uz">https://etender.uzex.uz</a> Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржасида эълон қилинган лот бўйича электрон шаклда узатилади.
<b>9.</b>	<b>Шартнома тузиш шартлари</b>
9.1.	Танлов натижаларига кўра шартнома у билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан тақдим қилинаётган танлов ҳужжатлари ва таклифларида кўрсатилган шартларда тузилади.
9.2.	Комиссияси томонидан ғолиб деб топилган танлов иштирокчиси буюртмачидан тегишли ёзма хабарнома олади.
9.3.	Танлов ғолиби танлов шартлари бўйича шартнома тузишдан бош тортган тақдирда шартнома тузиш ҳуқуқи захирадаги ижрочига ўтади. Бунда захирадаги ижрочи танлов ғолиби таклиф қилган нархларда шартнома тузиши ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин.

Ишлаб чиқди:

Капитал қурилиш гуруҳи  
бош инспектори



Д.Сайдалиев



## ИШТИРОКЧИНИНГ БЛАНКАСИДА

№: \_\_\_\_\_ Сана:

Энг яхши таклифларни танлаш Комиссиясига

### Ариза (Заявка)

Танлов ҳужжатларини ўрганиб чиқиб (*танлов мавзуси номини кўрсатинг*), сўровларга жавоблар № (*ёзма сўровлар ва уларга жавоблар бўлса, сўровлар сонини кўрсатинг*), биз уларни қабул қилишни тасдиқлаймиз, биз имзоланган (*танлов иштирокчисининг исми*), танлов ҳужжатларига мувофиқ

\_\_\_\_\_ учун танловда иштирок этиш ниятидамиз.

Шу муносабат билан биз қуйидаги ҳужжатларни электрон кўринишда юборамиз:

1. Малакавий ҳужжатлар \_\_\_\_\_ варақларда (*варақлар сонини белгилаш, брошюралар, буклетлар, брошюралар, СД-ромлар ва бошқалар*);
2. Танлов таклифининг техник қисми.
3. Танлов таклифининг нарх қисми.
4. Бошқа ҳужжатлар (агар бошқа ҳужжатлар тақдим этилган бўлса, варақлар номи ва сонини белгилаш керак).

Танлов таклифини тайёрлаш учун масъул шахснинг тўлиқ номи:

Телефон рақами: \_\_\_\_\_

Электрон почта манзили: \_\_\_\_\_

Раҳбар ёки ваколатли шахснинг тўлиқ исми-шарифи ва имзоси

Печат жойи

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

1	Юридик шахснинг юридик шаклини кўрсатувчи тўлиқ номи	
2	Рўйхатга олиш тўғрисида маълумот ( <i>рўйхатга олинган сана, рўйхатга олиш рақами, рўйхатдан ўтказувчи орган номи</i> )	
3	Юридик манзил	
4	Мурожаат учун телефон, факс, e-mail	
5	Тўлиқ банк реквизитлари	
6	Асосий фаолият йўналишлари	
7	ҚҚС тўловчининг гувоҳнома рақами	

Имзо: \_\_\_\_\_ Танлов иштирокчиси раҳбарининг имзоси.

Тузиш санаси: " \_\_\_\_\_ " \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

## ИШТИРОКЧИНИНГ БЛАНКАСИДА

№: \_\_\_\_\_ Сана:

Энг яхши таклифларни танлаш Комиссиясига

### КАФОЛАТ ХАТИ

Биз шуни тасдиқлаймизки, компания \_\_\_\_\_ :  
(компания номи)

- қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик жараёнида эмас.
- суд ёки ҳакамлик муҳокамаси ҳолатида эмас (ижрочининг номи)
- илгари тузилган шартномалар бўйича нотўғри бажарилган мажбуриятлар мавжуд эмас.

Имзолар:

Рахбар Ф.И.О. \_\_\_\_\_

Бош бухгалтер Ф.И.О

(Молия бўлими бошлиғи) нинг тўлиқ номи) \_\_\_\_\_

Юристининг тўлиқ исми \_\_\_\_\_

Печат жойи